

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Математика факультетининг “математика” йўналиши 2-курс талабаси Абдуваҳҳоб Аширов “RUDNMATH OLYMP-2025” III халқаро математика олимпиадасида иштирок этди.

Беллашув Россия Халқлар дўстлиги университетиде бўлиб ўтди. Талабамиз якка тартибда 1-ўринни эгаллаб, олтин медаль соҳиби бўлди.

Олимпиадада Ўзбекистон, Россия, Туркменистон, Эрон, Хитой, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон каби 19 мамлакатдан 900 нафардан ортиқ талабалар қатнашди.

Ушбу ютуқ ёшларни аниқ фанларга жалб этиш ва иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар самарасидир.



БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Бугун мамлакатимиз ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги, янада юксак босқичига қадам қўймоқда. Янгиланган Конституциямизда белгиланган “ижтимоий давлат” қуриш ғояси ҳар бир фуқаронинг ҳаётида акс этиши лозим бўлган амалий вазифадир. Мана шу тарихий масъулият ва глобал ўзгаришлар шароитида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини янгилаш объектив заруратга айланди. Дарҳақиқат, дунёдаги геосиёсий ва иқлим

ўзгаришлари билан боғлиқ жараёнларнинг тезлашиши мавжуд режаларимизни қайта кўриб чиқишни ва уларни янги хавф-хатарларга мослаштиришни талаб этмоқда. Шунингдек, халқимизнинг сиёсий онги ва ижтимоий фаоллиги ошиб бораётгани давлат бошқарувида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган эзгу тамойилни янги босқичга олиб чиқишни тақозо этади.

ЖОЙ НОМЛАРИ — МОЗИЙДАН ДАРАК

Жомбой туманида “Хитой” сўзи билан боғлиқ жой номлари талайгина. “Хитойпоён” маҳалласи, “Хитой” қишлоғи деган ҳудудлар бор. Уларнинг айнан бу ҳудудга келиб қолиши ҳақида манбаларда қайдлар мавжуд.

ЎЗБЕКИСТОН: ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ЮТУҚЛАР

2026 йил учун ҳам ташқи сиёсатимизда минтақа ва халқаро ташкилотлар билан ҳамда давлатлараро муносабатларда сиёсий муҳоқотни янада чуқурлаштириш; иқтисодий йўналишда саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш ва амалга ошириш; транспорт коридорларини ишга тушириш ва транспорт-коммуникация салоҳиятини рўёбга чиқариш; энергетика соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш; иқлим ўзгаришига мослашиш ва озىқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш; маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш каби муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилиши кутилапти.

Ватанга садоқат билан ХИЗМАТ ҚИЛИШ —



ШАРАФ

“Адолат” социал-демократик партияси ташаббуси билан Бўстонлиқ туманида жойлашган ҳарбий қисмда ҳарбий-ватанпарварлик тадбири ташкил этилди.

ЖЎРАБЕК



ХАЛҚИМИЗ ИШОНЧИН ОҚЛАДИ

Жўрабекнинг отаси Баҳриддин Гадоев Қонунчилик палатаси депутати Ойдин Абдуллаевага мурожаат қилиб, фарзандини қўллаб-қувватлаш, танловларда иштирок этиши учун моддий ёрдам кўрсатиш масаласида амалий ёрдам сўраганди. Маълум бўлишича, Жўрабек ноябрь ойида Грузияда бўлиб ўтадиган ёш ижрочилар халқаро танловида қатнашиш учун таклиф олган. Аммо сафар билан боғлиқ сарф-харажатлар учун маблағ топишда қийинчиликка дуч келган.

АЖРИМЛАР, АЖРИМЛАР...



Ажрашганлар нимани истар?!



Муаммо, келишмовчилик ҳар қандай оилада бўлади, аммо ҳиссий, эмоционал интеллект паст жуфтликларда ўзаро низолар жиддий тусга кириши мумкин. Улар учун турмуш бир текис кечмаса, ажрашиш ҳеч ўйлаб ўтирмай қабул қилинадиган қарорга айланмоқда.



Ватанга сadoqat билан ХИЗМАТ қилиш —

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган навбатдаги Мурожаатномаси мамлакатимизнинг яқин ва ўрта муддатли истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий тараққиёт векторини белгилаб берувчи тарихий дастуриламал ҳужжат бўлди. Мазкур Мурожаатномада илгари сурилган концептуал ғоялар давлат бошқарувини модернизация қилиш, иқтисодий ўсишнинг сифат кўрсаткичларини таъминлаш ва жамиятнинг институционал асосларини мустаҳкамлашга қаратилган тизимли ёндашуви билан ажралиб туради.



Давлатимиз мустақиллиги, тинчлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлашда ҳарбий хизматчиларнинг фидокорона меҳнати, матонати ва садоқати алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, ҳарбийлик касби ҳар бир эр-йигит учун нафақат шараф, балки катта масъулият ҳам ҳисобланади.

Бугунги кунда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва фидойилик туйғуларини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 34 йиллиги ҳамда "Ватан ҳимоячилари куни" муносабати билан ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ва очик

мулоқотлар ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

"Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан Бўстонлиқ туманида жойлашган ҳарбий қисмда ҳарбий-ватанпарварлик тадбири ташкил этилди. Тадбир давомида ҳарбий хизматни нафақат касб, балки Ватан олдидаги юксак масъулиятли бурч сифатида англаш, ҳарбийларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда "Адолат" СДП Сиёсий кенгаши раиси ўринбосари Озода Парпиева, партия Марказий аппарати ҳамда вилоят кенгаши ходимлари, ҳарбий қисм раҳбарияти, офицерлар ва хизматчилар иштирок этди. Тадбир иштирокчилари, аввало, ҳарбий

ШАРАФ



қисмда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Хусусан, маънавият хонаси, тиббий марказ ва хизматчилар учун мўлжалланган инфратузилма кўздан кечирилди.

Шунингдек, иштирокчиларга ҳарбий хизматчиларнинг кундалик ҳаёти, машғулотлари ва маънавий-руҳий тайёргарлиги ҳақида атрофлича маълумот берилди. Бундай шарт-шароитлар ҳарбийларнинг хизматни юқори савияда бажариши, жисмонан ва маънан баркамол бўлишига замин яратаётгани таъкидланди.

Тантанали маросимда сўзга чиққан "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Озода Парпиева ҳарбий хизмат юксак фидойилик, сабр-тоқат ва қатъият талаб этадиган шарафли йўл эканини алоҳида қайд этди. У партиянинг мудофаа соҳаси, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган сиёсий позицияси ҳамда амалий ташаббуслари ҳақида батафсил тўхталди.

Ўз навбатида, ҳарбий қисм майори Парвозали Усмонов шахсий таркибнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, хизмат интизоми ва Ватанга садоқат тамойиллари ҳақида сўз юритди. У бундай учрашувлар ҳарбийларнинг жамият билан очик мулоқотини мустаҳкамлаб, ўзаро ишончни янада оширишни таъкидлади.

Тадбир доирасида ўтказилган савол-жавоблар ва очик мулоқотлар иштирокчилар учун қизиқарли ва мазмунли кечди. Ҳарбий хизматчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олиш имконига эга бўлдilar. Учрашув сўнггида хизматда алоҳида фаоллик кўрсатган бир гуруҳ ҳарбийлар муносиб равишда тақдирланди.

Бундай тадбирлар Қуролли Кучлар билан фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

ТАФАККУР, АРМИЯ, ИМКОНИЯТЛАР

Муносабат



Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев расиғлиғида ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши мамлакатимиз мудофаа сиёсатида мазмунан янги босқич бошланганини кўрсатди. Йиғилишда билдирилган фикр ва вазифаларни оддий баёнот сифатида эмас, балки бугунги глобал ва минтақавий ўзгаришларга берилган тизимли жавоб сифатида баҳолаш мумкин.

Сабаби, бугун жаҳонда ҳарбий-сиёсий вазият беқарорлашиб бораётган, минтақавий моjarолар кенгайиб, қуролланиш пойгаси янги шакл касб этаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг хавфсизликка оид ёндашуви алоҳида эътиборга лойиқ, Хусусан, бугун замонавий уруш табиати тубдан ўзгарди. Хавф-хатарлар фақат ҳарбий майдон билан чекланиб қолмаяпти. Киберхужумлар, ахборот хуружлари, сунъий интеллект, иқтисодий босим ва гео-сиёсий таъсир ўтказиш воситалари давлат хавфсизлигининг ажралмас қисмига айланди.

Шу маънода давлатимиз раҳбарининг барча соҳа ва тармоқларни "проактив иш режими"га ўтказиш ҳақидаги талаби бугунги глобал вазиятга берилган энг тўғри ва ўз вақтидаги жавобдир. Энди хавфга жавоб бериш эмас, хавфни олдиндан кўра билиш ва бартараф этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ўтган йиллар мобайнида миллий армиямизни модернизация қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, учувчисиз учуш аппаратлари, рақамли бошқарув тизимлари жорий этилмоқда.

Қўшинларда янги тактик усуллар синовдан ўтказилиб, жанговар тайёргарлик сифат жиҳатдан янги босқичга чиқди. Айниқса, ҳарбий таълим тизимининг тубдан янгиланиши алоҳида эътиборга лойиқ. Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг ташкил этилгани, таълим жараёнига сунъий интеллект, рақамли баҳолаш ва илгор технологияларнинг жорий этилиши келажак офицерлар корпусини тайёрлашда мустаҳкам пойдевор демакдир. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, ҳарбий таълимни модернизация қилмасдан туриб, армиянинг янги қиёфасини яратиб бўлмайди.

Йиғилишда илгари сурилган энг муҳим ижтимоий йўналтирилган ташаббуслардан яна бири бу – муддатли ҳарбий хизматга мутлақо янги ёндашувдир. Президентимиз уни фақат ҳарбий бурч эмас, балки ёшлар учун ҳаётий старт майдони сифатида ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Эндилкида, армияда хизмат қилган ҳар бир ёш камда битта касб эгаси бўлиб чиқиши, IT, сунъий интеллект, дастурлаш каби замонавий йўналишларда билим олиши, олий таълимга кириш ва меҳнат бозорида ўз ўрнини топиши учун барча шароит яратилиши ҳақиқий ижтимоий ислохотдир.

Жумладан, аскарларга муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий қисмининг ўзида олийоҳдаги ўқиш кириш учун имтиҳон топшириш имконияти яратилади. Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талабалikka қабул қилинган аскарлар муддатли ҳарбий хизмат аяқунланиши билан олийоҳдаги ўқишни бошлайди. Шу билан бирга, армиядан қайтиб, олий ўқув юртларида таҳсил олмақчи бўлган ёшларга хорижий тил ва фан сертификати олиш харажатлари қоплаб берилади. Агар улар олийоҳларга контракт кирса, фойсиз таълим кредити ажратилади.

Бундан ташқари, армиядан қайтган ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича ҳам алоҳида имтиёзлар берилади. Жумладан, тадбирчилик билан шуғулланиш истагидаги ёшларнинг кредит харажатининг 6 фоизи давлат томонидан қопланади, давлат ташкилотларига ишга кирмоқчи бўлган ёшлар учун Бошқарув самарадорлиги агентлиги томонидан ўтказиладиган тест балллари 10 фоизлик имтиёз бериш амалиёти жорий қилинади. Хусусий секторда фаолият юритмоқчи бўлган ёшларга касбни эгаллаш ва сертификат олиш харажатлари тўлаб берилади.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбари ҳарбий хизматчилар меҳнатини қадрлаш, уларнинг оилалари ва ҳарбий пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ташаббусларни ҳам илгари сурди. Уларнинг машошларни ошириш, пенсия ҳисоблаш тизимини такомиллаштириш, уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш – буларнинг барчаси "инсон қадри учун" деган тамойилнинг амалдаги ифодасидир. Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти бўйича алоҳида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, парламентга киритиш ҳақидаги топшириқ Қонунчилик палатаси депутатлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юқлайди.

Қолаверса, йиғилишда саккиз йил олдин қабул қилинган Мудофаа доктринаси ва Миллий хавфсизлик концепциясини қайта кўриб чиқиш вақти келгани ҳақидаги фикр алоҳида аҳамият касб этди. Чунки дунё ўзгармоқда, таҳдидлар шакли ва кўлами янгиланмоқда. Ўзбекистоннинг ҳарбий блокларга қўшилмаслик мақомини сақлаган ҳолда, кўп томонлама дипломатия, ҳарбий мустақиллик, юқори технологияларга асосланган мудофаа стратегиясини таъминлаш лозим. Бу ҳужжат мамлакат хавфсизлигига оид қонунчиликни тубдан такомиллаштириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қарорлар илчил ва тизимли амалга оширилса, Ўзбекистон армияси нафақат миллий хавфсизлик қафолати, балки замонавий, юқори технологияли ва ижтимоий жиҳатдан барқарор институтга айланади.

АГРОСАНОАТ МАЖМУИДА

ҳам жиддий янгиланишлар юзага келади



Президент Мурожаатномасида белгиланган агросаноат соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази" билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда "Адолат" СДП Марказий аппарати масъуллари ҳамда Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси депутатлари иштирок этди.

Семинардан кўзланган мақсад аграр соҳани барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, фермер ва деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, соҳа устидан самарали давлат назорати механизми билан такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифаларни кенг жамоатчиликка етказишдан иборатдир.

Иштирокчилар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сифат стандартларига қатъий

риоя этиш, маҳсулотларни баҳолаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлиқни ошириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Озода Парпиева сўзга чиқиб, партия дастурий мақсадлари билан уйғун бўлган ижтимоий адолат, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи манфаатларини бирдай ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини ошириш, соҳага илмий ёндашув ва инновацион ечимларни жорий этиш



масалалари Мурожаатномада ҳам ас-этгани, бу ўз навбатида, партия ғояларини рўёбга чиқариш учун улкан имконият яратишини таъкидлади. Шунингдек, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари ўринбосари Мухаммаджон Валиев Мурожаатноманинг мазмун-моҳиятини иштирокчиларга муфассал тушунтириб берди.

"Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази" мутахассислари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати устидан назорат, лаборатория текширувлари, халқаро стандартларга мувофиқлик, маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан тақдирот ўтказилди.

Семинарда соҳа мутахассислари ҳамда экспертлар билан қонунчиликни такомиллаштириш, парламент назоратини қучайтириш, соҳадаги муаммоларни аниқлаш ва уларга ечим топиш юзасидан фикр алмашилди.

Тадбир давомида Президент Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш учун татбиқ этишда сиёсий партиялар ва давлат органлари ўртасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш, агросаноат соҳасида очиклик, шаффофлик ва жавобгарлик тамойилларини қучайтириш бўйича таклифлар билдирилди.

Семинар якунида Мурожаатномада белгиланган агросаноат соҳасига оид вазифалар ижросини таъминлаш бўйича аниқ хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилишига қелишиб олинди. Ўшбу таклифлар "Адолат" социал-демократик партиясининг келгусидаги сиёсий ва қонунчилик ташаббусларида, шунингдек, "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази" билан ҳамкорликда амалга ошириладиган қўшма тадбирлар режасида инобатга олиниши режалаштирилмоқда.

"Адолат" СДП Матбуот хизмати

Стандартлаштиришдаги трансформация —

ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАР ЯРАТИЛАДИ

Ўзбекистоннинг замонавий сиёсий амалиётида давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халққа Мурожаатномаси анъанавий тадбир эмас, балки мамлакатнинг стратегик ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи “Йўл харитаси” даражасига кўтарилди.

Саидислом ЭШОНБУВАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат сиёсати ва бошқарув академияси
магистратура bosқичи тингловчиси

Мурожаатномада акс этган ҳар бир сўз, ҳар бир жумла — бу бутун миллатнинг орзу-умидлари жамланган, муҳим аҳамият касб этувчи ҳужжатдир. Ундаги ютуқлар меҳнаткаш халқимизнинг, айниқса, давлат тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ходимнинг виждонан қилаётган хизматининг самараси десак, муволаф бўлмайди.

Президентимиз ташаббуси билан ном берилган “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да олдимизга қўйилган вазифалар мамлакат иқтисодиётини нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам трансформация қилишга қаратилган. Хусусан, аккредитация, метрология, мувофиқлини баҳолаш ва стандартлаштириш соҳаларидаги ислохотлар мамлакатимизнинг халқро майдондаги нуфузини тубдан ўзгарилади.

Сўнгги икки йил ичида Ўзбекистон “Глобал сифат инфраструктураси” индексида 15 поғона юқорилаб, 52-ўринга кўтарилгани шунчаки статистика эмас, ўзбек маҳсулотларининг халқро стандартларга мувофиқлиги ва миллий сертификатларимизнинг дунё бозорида тан олинисини йўлидаги улкан ғалабадир. Сифат инфратузилмаси ривожлангани сари, маҳаллий тадбиркорларимиз учун хорижий бозорларга чиқишдаги техник тўсиқлар камайиб бормоқда.

Ана шу ютуқларга қўшимча равишда, Ўзбекистон техник тартибга солиш агентлиги томонидан биргина 2025 йил давомида стандартлаштириш ва техник тартибга солиш соҳасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, савдодаги техник тўсиқларни бартараф қилиш мақсадида Жаҳон савдо ташкилоти талаблари ва ГСП+

тизими доирасида 2 105 та халқро стандарт асл тилида қабул қилинди. Бундан ташқари, соҳалар кесимида 3 094 та стандарт ЖСТ талабларига мослиги бўйича қайта кўриб чиқилди.

Шу билан бир қаторда, миллий стандартлар базасини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Аввал амалда бўлган 418 та ташкилот стандарти ўрнига 47 та миллий стандарт ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Қолаверса, экологик барқарорлиқни таъминлаш мақсадида 7 та “Яшил” стандарт қабул қилинди.

Натижада миллий стандартларни халқро стандартлар билан уйғунлаштириш даражаси 41,1 фоизга етказилди. Бу рақамлар стандартлаштириш соҳасида формал ўзгаришлар эмас, балки иқтисодиётнинг

ташқи бозорларга очилиши йўлидаги аниқ амалий ҳаракатларни аңглатади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган энг муҳим концептуал ўзгариш — маъмур соҳани янги босқичга олиб чиқишдир. Эндиликда Ўзбекистон эскирган ва самарадорлиги паст бўлган анъанавий “Давлат назорати” тизимидан бутунлай воз кечиб, ривожланган давлатлар тажрибасидаги “Бозор назорати” тизимига ўтмоқда.

Бу тизимнинг афзаллиги ва қулайликлари шундаки, у тадбиркорлик субъектларининг ишига асоссиз аралишсини камайтиради. Бунинг ўрнига, бозордаги маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлиги устидан мониторинг кучайтирилади. Ўз навбатида, рақобат муҳитини соғломлаштириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг замонавий механизмга айланади.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш йўлидаги ислохотларга узвий равишда инновация асосида юқори технологик маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар рағбатлантирилади. Корхоналар мутахассисларининг илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларидан олган даромади солиқдан озод қилинади. Ана шундай ислохотлар орқали келгуси беш йилда саноатда меҳнат унумдорлиги 30 минг долларга етказилибгина қолмай, 1 минг долларлик қўшилган қиймат яратишга кетадиган

энергия сарфи 1,5 баробар камайтирилади.

Президентимиз ўз Мурожаатномасида яширин иқтисодиётга барҳам беришни миллий иқтисодиётнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб берди. Ушбу иллат нафақат давлат бюджетига тушмаётган солиқлар, балки ҳалол ишлаётган тадбиркорлар ривожига тўқинлик қилишда ҳам намоён бўлади. Шу сабабли, 2026 йилда яширин иқтисодиётга қарши курашнинг асосий кўроли — тўлиқ рақамлаштириш бўлади. Уларни назорат қилишда инсон омили чиқариб ташланиб, алгоритмларга асосланган мониторинг тизими кучайтирилмоқда.

Энг олий мақсад йўлидаги ҳар бир халқ хизматчисидан нафақат иқтисодий ўсишни таъминлаш, балки аҳоли билан индивидуал ишлаш орқали “ўрганилди”, “чора кўрилади” деган қуруқ ваъдалар ўрнини “муаммо ҳал этилди ва мана натижаси” деган аниқ фактларга таянишни талаб этади.

Стандартлаштириш ва бозор назорати тизимининг такомиллаштириш иқтисодий ўсиш билан бир қаторда Ўзбекистон брендининг жаҳон миқёсидаги ишончилигини таъминлайди. Истиқболни қамраб олган Мурожаатнома эса “Инсон қадрини ўқини” госясини амалий воқеликка айлантиришни кўзда тутиб, соҳа мутахассисларига ушбу янги тизимни ҳаётга татбиқ этишда юксак профессионализм ва масъулият юклайди.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYOEVNING
OLYI MAJLIS VA O'ZBEKISTON
XALQIGA MUHOJATNOMASI

**TRANSPORT
VA LOGISTIKA
IMKONIYATLARI**

Ichki va tashqi qatnovlar
iqtisodiy faollikni tezlashtirmoqda.

AVIATSIYA

Aviapark **120 ta** havo kemasiga yetkazilib,
yo'lovchi tashish quvvati **2 barobar** oshiriladi.

TEMIR YO'L

500 kilometr yangi temir yo'l quriladi, tezyurar
poyezdlar va yangi yo'nalishlar joriy etiladi.

XIZMATLAR QAMROVI

700 ming aholi temir yo'l xizmatlari
bilan qamrab olinadi, vokzallar xususiy
sherklikka beriladi.

**TRANSPORT RIVOJI —
HUDUDLARNI BOG'LOVCHI KUCH**

ЁШЛАР МАСАЛАСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Алимардон АКРАМОВ,
Фаргона вилоят кенгаши
“Ёш адолатчилар” қаноти раиси

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ёшлар масаласи давлат сиёсати марказида эканини яна бир бор яққол намоён этди. Ушбу Мурожаатнома нафақат эришилган ютуқларни сарҳисоб қилди, балки келгуси беш йиллик ривожланиш учун аниқ, мантиқий ва амалий йўл харитасини белгилаб берди.

Мурожаатномада ёш авлодга оид масалалар алоҳида ўрин эгаллагани диққатга сазовор. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, ҳар йили 1 миллиондан ортиқ ёшлар катта ҳаёт оstonасига қадам қўётган бир пайтда уларни замонавий билим, рақобатбар-

дош касб ва мустаҳкам фуқаролик позицияси билан таъминлаш стратегик аҳамиятга эга вазифадир.

Президент томонидан илгари сурилган касбий таълимни тубдан ислох қилиш, техникумлар нуфузини ошириш, “дуал таълим” тизимини кенгайтириш, илғор хорижий таълим моделларини жорий этишга қаратилган ташаббуслар ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассислар этиб тарбиялашга хизмат қилади. Бу эса “Адолат” социал-демократик партиясининг ижтимоий адолат, тенг имконият ва инсон салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган гоёлари билан ҳамоҳангдир.

Мурожаатномада ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилгани аҳамиятли. Хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлиги учун ажратилаётган улкан молиявий ресурслар, маҳалла кесимида янги иш ўринларини яратишга қаратилган лойиҳалар ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, уларнинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, уларни турли таҳдидлар, жумладан, гиёҳвандлик ва жиноятчиликдан асраш



масаласи ҳам Мурожаатномада қатъий ва принципиал тарзда қўйилди. Бу борада нарқожиноятларга қарши курашни умуммиллий ҳаракатга айлантириш ҳақидаги қақирқ ҳар биримиз, айниқса, ёшлар билан ишлайдиган ташкилотлар олдида катта масъулият юклайди.

“Адолат” СДП “Ёшлар қаноти” фаоллари сифатида биз Мурожаатномада белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этишни ўз олдимизга устувор мақсад қилиб қўямиз. Ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга кенг жалб этиш, билимли, ташаббускор ва ватанпарвар авлодни шакллантириш йўлида давлат ва жамоат институтлари билан ҳамкорликни янада кучайтирамиз.

Диққат, янги рукн:
ИҚТИДОР ВА ЭЪТИБОР

ЖЎРАБЕК халқимиз ишончини оқлади



Юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада қонунчилик, таълим, бандлик, ижтимоий ҳимоя, маънавий-маърифий ва тадбиркорлик йўналишларида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, ёшлар билан ишлашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Ёшлар сиёсати билан шуғулланувчи алоҳида тизим шаклланди, масъул давлат органлари ва жамоат тузилмалари фаолияти мувофиқлаштирилди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат дастурлари ва стратегияларга киритилмоқда.

Ислом ҲАМРОЕВ,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси
ўринбосари

Айниқса, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ислохотлар ижобий самара бермоқда. Бунда кам таъминланган оила фарзандлари учун таълим ва яшаш харажатларини қоплаш, ёш оилаларни имтиёзли ипотека механизmlарини жорий этиш, соғлиқни сақлаш соҳасида ёшларга мўлжалланган профилактик дастурларни амалга ошириш келажақ авлод учун қатор қулайликлар яратиб берди.

Энг асосийси, эҳтиёжманд оилада тарбия топаётган, иқтидорли йигит-қизларнинг хориждаги нуфузли танловлар ва таълим дастурларида қатнашиши, ўз салоҳиятини намоён этишига имкон яратиб берилаётгани ижтимоий адолатнинг ёрқин кўриниши бўляпти. Уларнинг ўқиш ва танлов сарф-харажатларини қоплаш билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш тизимлари Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги янги қиёфасини очиб бераётир. Бунда асосий эътибор, умидли ёшлар учун молиявий ёрдам, стипендиялар, грантлар ҳамда хориждаги ўқиш ва олимпиадаларда қатнашиш учун имкониятлар яратишга қаратилган.

Шундай ёшлардан бири — 16 ёшли Жўрабек Жўраевдир. У Тошкент шаҳридаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасасининг 9-синфида ўқийди. Ўқшдан бўш вақтида 6-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабиде фортепиано мутахассислиги бўйича таҳсил олади.

Жўрабек мусиқий иқтидори сабаб 30 дан ортиқ ижрочилик танловларида қатнашган ва муваффақиятларга эришган. Россия, Қозғистон, Грузия давлатларида бўлиб ўтган халқро танловларда I ўринни эгаллаган. Унинг истеъдоди халқро экспертларнинг ҳам эътиборини жалб этган. Шу боис, сўнгги йилларда у турли давлатларда бўлиб ўтадиган ёш ижрочилар танловларига мунтазам таклиф этилмоқда.

2025 йилнинг июнь ойида Жўрабекнинг отаси Баҳриддин Гадовев Қонунчилик палатаси депутати Ойдин Абдуллаевага мурожаат қилиб, фарзандини қўллаб-қувватлаш, танловларда иштирок этиши учун моддий ёрдам кўрсатиш масаласида амалий ёрдам сўраганди. Маълум бўлишича, Жўрабек ноябрь ойида Грузияда бўлиб ўтадиган ёш ижрочилар халқро танловида қатнашиш учун таклиф олган. Аммо сафар билан боғлиқ сарф-харажатлар учун маблағ топишда қийинчиликка дуч келган.

“Адолат” СДПдан сайланган депутатимиз ушбу масалани ҳар томонлама ўрганиб, Ёшлар ишлари агентлигига мурожаат этди. Мутасаддилар билан суҳбат натижасида Жўрабек Жўраевнинг Грузияда бўлиб ўтадиган халқро танловда қатнашиши молиялаштириш бериладиган бўлди.

Орадан бир неча ой ўтиб, Жўрабек Жўраев Тбилиси шаҳрида ўтган халқро танловда муваффақият қатнашди ва I ўринни эгаллади. Ушбу муваффақият ёш йигитнинг ўз салоҳиятини намоён этишига кўмаклашган барча инсонларнинг умумий ютуғидир.

Танлов жараёнини кузатган халқро экспертлар Жўрабек мисолида Ўзбекистонда имконияти чекланган фуқароларга кўрсатилаётган эътибор, ушбу қатламнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва ўз вақтида манзилли ёрдам кўрсатиш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини эътироф этдилар. Бу нафақат алоҳида бир ёш йигитнинг муваффақияти, балки мамлакатда инклюзивлик, ижтимоий адолат ва инсон қадрини улуғлаш тамойиллари изчил амалга оширилаётганининг халқро майдонда тан олинганини аңглатади.

Эндиликда Жўрабек олдида катта режалар турибди. Унинг бугунги ютуқлари келгусидаги янада улкан муваффақиятлар учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Жўрабек бу йил дунёнинг турли давлатларида бўлиб ўтадиган халқро танловларда қатнашиш учун таклиф этилган. Шунинг учун ҳам, у ўз устида тинмай шуғулланмоқда.

Жўрабекнинг келажақда жамиятга янада мувофиқлашиб, мустақил ҳаёт кечиришга қодир фуқаро сифатида шаклланишида депутат томонидан кўрсатилаётган амалий ва маънавий кўмак муҳим аҳамиятга эга. Бундай қўллаб-қувватлаш нафақат Жўрабекнинг шахсий ривожини, балки жамиятда имконияти чекланган шахсларнинг фаол ҳаётга жалб этилиши учун ҳам ибратли намуна бўлиб хизмат қилади.



АЖРИМЛАР, АЖРИМЛАР...

Аёл ажрашишга қарор қилди: зўравонлик, босим жонидан ўтганди, адолатсизликка ортиқ бардош бера олмасди. Шунда ҳам атрофдагилар унинг ўзини ёмонга чиқарди. Жамият кўп ҳолларда ажрим қарори ортидаги ҳикояга эътибор бермайди, "ўзинг жуда ноқобилсан-да", "ношу-курсан", "болаларингни тирик етим қиласанми?", деб аёлнинг ўзини инсофга келтирмоқчи бўлади гўё. Аслида, инсоннинг яшаш, орзу қилиш, бирор масала юзасидан шахсий қарор қабул қилиш ҳуқуқлари ҳар қандай вазиятда ҳам дахлсиздир. Тўғри, оилавий ажримларнинг кўпайишига томошабин бўлиб туриш, ажрамадан деганда икки томонни шартта ажратиб юбориш мақбул ёндашув эмас, аммо жамиятнинг инсон ҳуқуқлари поймол бўлаётганига жим қараб туриши мутлақо нотўғри.

Оилаларнинг ажралиши билан бир қаторда, айрим ота-оналарнинг алиментни тўламай, фарзандларини маблағсиз ташлаб кетиш ҳолатлари ҳам дилни хира қилади.

Суғдиёна СОБИРОВА,
журналист

Оилавий ажримлар юзасидан мутахассислар, ёшларнинг фикри билан қизиқдик.

— Ажримларни келтириб чиқарувчи сабаблар талайгина. Масалан, ёшларнинг оилавий ҳаётага, шахсларро муносабатларига ақлий, ҳиссий, психологик, иқтисодий жиҳатдан тайёр эмаслиги, шунингдек, масъулиятсизлик, учинчи шахслар аралашуви, иқтисодий босим, турмушга енгил-елпи қараш, эрта турмуш, томонларнинг дунёқараш ва шахсий қарашини бир-бирига зид қилиши никоҳдан ажралишларнинг туб илдирида ётибди, — дейди оила ва болалар психологи, нутрициолог, ота-оналар академияси модератори Шоира Исоқова. — Илгарилари ёшлар онгда оила психологияси ҳақида у ёки бу даражада пухта-пишиқ қараш шаклланган. Ҳозир унинг ўрнини ижтимоий тармоқлардаги ялтир-юлтир ҳаёт "фантазиялари" тўлдириб борапти: "турмушга чиқсам, эрим менга машина олиб беради" ёхуд "кимдир нимадир қилиб беради"

қабилда. Бу тенденциялар охир-оқибат истеъмолчи муносабатларининг шаклланишига олиб келмоқда.

Мутахассис фикрига кўра, бугунга келиб, оила қуриш дастури анча ўзгарган: "алоҳида яшайман", "менга ҳеч қандай халақит бермайди", "бировнинг хизматини қилишга мажбур эмасман" деган тушунчалар ноўрин, нотўғри талқин этилмоқда. Энг ёмони, кўп ҳолларда оилага фақат қизларни тайёрладик — касб-хунари, пишир-қуйдирга устомон, оёқ-қўли чаққон бўлди. Натижада жуда катта масъулият қиз бола зиммасига юкланиб, йигитнинг мажбуриятини ота-онаси олди. Бу кейинчалик гендер ролларининг алмашиб қолиши, оилавий муносабатларнинг издан чиқишига замин яратди. Ҳолбуки, янги хонадонга келган аёлни қўллаб-қувватлаш, мослашиш жараёнида унга кўмакдош бўлиш, ҳимоя қилиш эркакнинг вазифасидир.

— Узоқ йиллардан бери ёшлар билан индивидуал ишлаб келаётган оила психологи сифатида айта оламани, никоҳдан олдинги психологик,

маънавий, эмоционал тайёргарлик турмушининг узоқ ва бахтли кечилишига асос бўла олади. Бунга, аввало, ёшларнинг ўзи, шунингдек, ота-оналар, атрофдаги заёвлар қатлами масъулдир, — дея қўшимча қилди мутахассис. — Муаммо, келишмовчилик ҳар қандай оилада бўлади, аммо ҳиссий, эмоционал интеллектни паст жуфтликларда ўзаро низолаз жиддий тусга кириши мумкин. Улар учун турмуш бир текис кечмаса, ажралиш ҳеч ўйлаб ўтирмай қабул қилинадиган қарорга айланимоқда. Ачинарлиси, болалар икки ўртада энг кўп жабр чекувчи бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, унга ота ҳам, она ҳам бирдек керак. Болалар ажримдан кейин аксар ҳолларда она билан қолади. Ўз-ўзидан, фарзанднинг соғлиғи, илм олиши, молиявий-иқтисодий таъминот аёл зиммасига тушади. Эрак эса биргина алимент билан қутулиб қолмоқда. Ажралиш фонида бола психик жароҳат олади. Нотўғри оилада катта бўлган болалар жамиятда ўзини камситилгандек, кемтик ҳис қилади. "Онани ёмон", "отани ёмон" деб уларни руҳан сиқиб бора-бора боланинг ўзига, ҳаётга бўлган ишончини пайсаятиради. Айниқса, ўсмирлик даврида бу зарбанинг оғриқлари янаям кучлироқ сезилади. Бундай ноҳуш ҳолатларнинг барчаси маънавий-ятсизлик, оила тизимини етарлича билимаслик, ҳиссий етилган шахс сифатида позицияни тўғри белгилай олмасликлдан дарак беради.

Шу ўринда "Ҳўш, унда нима қилиш керак?" деган савол туғилади. Мутахассис, аввало, ота-оналар фарзандига бола чоғиданқо бурча, вазифа, масъулият нима эканини ўргатиши кераклигини таъкидламоқда. Иккинчидан, куш уясида кўрганини қилади. Ноқобил оилада, носоғлом муҳитда ўсган боланинг эртага оилапарвар бўлиш эҳтимоли жуда паст. Демак, ота-оналар ўзини ислоҳ қилиши, болаларининг хатти-ҳаракати уларнинг турмушига кўзгу тутаетганини унутмаслиги керак. Учунчидан, ёшларни "Оила қуришни учун мендан нималар талаб қилинади?" деган ўринли савол ўйлантириши керак.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори Амрулло Каримов фикрига кўра, асосий масала оиладаги тарбия, кадриятларга бориб тақалади:

— Кейинги йилларда янги медиа-лар ва ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши, бозор учун кураш туфайли аудитория диққатини жалб қилиш мақсадида оиладаги муаммолар, эру хотин, қайнона-келин каби мавзулар оммалашди. Қайси телеканалага эътибор қаратманг, уларни шу ҳусусдаги теленовёллар босиб кетди.

Сериаллар ўша пайтнинг ўзида ижтимоий тармоқлар, платформаларга қўйилади. Таъбир жоиз бўлса, экран қаршисида ўтирган томошабин (аксарияти аёллар) улардан "дарс" олади, мушоҳада юрилтади, мулоҳаза қилади. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" сингари лойиҳалар 80-90-йиллар телевидениесига ҳам бўларди. Аммо ойда бир-икки марта эфирга узатилгани боис, улардан сабоқ олинадиган, ҳулоса чиқариларди. Контент бирмунча бой эди. Кучли сценарий муаллифлари, режиссёрлар ишларди. Ҳозир эса аксар ҳолда ҳаваскорлар ишляпти. Мавзулар савз ва ғариб. Томошабин шуларни кўрапти. Аслида иқтисодий омил ажралишнинг асосий сабаби, деб бўлмайди. Аввало, ёш келин-куёвларни оилага тайёрлаш талаб даражасида эмас. Оила орзу-ҳавас асосида қурилади: ота-она орзуси, бобо-бувилар орзуси ва ҳоказо. Оила қураётган ёшларда масъулият бўлиши керак.

— Қузатувларимдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бугунги кунда қўллаб ёшлар оила қуришга жисмонан ҳам, маънан ҳам етарлича тайёр эмас. Никоҳни баъзан шунчаки "ёшим ўтиб кетяпти" деган ташвиш билан қабул қилиш ҳолатлари ҳамон юқори, — дейди Олий Махлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги ёшлар парламенти аъзоси Илҳомжон Абду-саломов. — Аммо оила икки инсоннинг масъулият, сабр, ҳамжиҳатлик ва ишонч синовида қуриши, шу орқали бахт кўргонини қуриши эканини билишмаяпти. Шу масъулиятни чуқур анламасдан оила қураганлар орасида ажрим кўп. Яна бир жиҳат. Ота-оналарнинг роли сусайиб борапти. Илгари ёшлар ҳаёт йўлида англишиш, уларга йўл-йўриқ кўрсатадиган, "шундай-шундай қил, болам" деб насиҳат берадиган, ораларини совутмасликка ҳаракат қиладиган катта авлод вакиллари бўлган. Эндиликда эса кўп ҳолларда бу масала "уларнинг шахсий ҳаёти" деган соевқ қараш билан қарши олинмоқда. Натижада, ёшлар илк жиддий тўқнашууда мурасани эмас, ажримни танляпти. Албатта, бу масалада фақат бир томон айбдор эмас. Айрим оилаларда "тўқнашқа шўхлик", яъни ҳаётнинг тинч, фаровон пайтида ўзини ортиқча эркин тутиш, кадрлашни унуттиш ҳолатлари ҳам учрайди. Баъзилар эса, аксинча, ноҳақ ҳўрланиш, эътиборсизлик, бекорлик туфайли ўзини оилада ортиқча ҳис этади. Демак, ажрим сабаби фақат иқтисод ёки характер мос келмаслиги эмас, балки, энг аввало, инсонларнинг ўзаро ҳўрмат ва сабр маданиятини йўқотиб бораётганидир.

Яқинда турмуш қурган ёшлар-

нинг фикрига кўра эса, ажрим қарори кўққисдан, шунчаки қабул қилинмайди. Оилада эътибор етишмаслиги, инсон қадри ва манфаатлари билан ҳисоблашмаслик, хиёнат, иқтисодий таранглик, никоҳдан олдин оилага тайёрловнинг сустлиги ёхуд мутлақо талабга жавоб бермаслиги, турмуш масъулиятига руҳан, жисман, маънан, молиявий жиҳатдан тайёр бўлмаслик, эрта турмуш, дунёқараш ва шахсий қадриятларнинг бир-бирига зид қилиши уларни ажрим ёқасига олиб бормоқда.

— Ҳозир зумерлар оила қурмоқда, — дея мавзуга оид шахсий қарашларини билдирди 20 ёшли Бунёдбек Келдибоев. — Уларда қурашувчанлик руҳи, психологик чидамлик олдинги авлодга нисбатан анча паст — муаммага дуч келганда ўзини йўқотиб қўяди, тушунлиққа тушади. Жойларда оилага тайёрлов дастурларининг самарадорлигини ошириш, бунинг учун шарқона ёндашув билан бирга хорижий тажрибани интелекция қилиш, ҳар бир шахснинг алоҳида илмий эканини унутмаслик, тайёрловда профессионал ёндашиш ўзини оқлайди, менимча. Бундан ташқари, эрта никоҳ сабаб жуфтликларнинг турмуши узоққа бормаяпти. Аччиқ бўлса ҳам, тан олиш керак, ота-онанинг шошилч қарори, бобо-буви-ларнинг набирасининг бахтини кўриб қолиш истаи, айниқса, ёш қизларнинг эрта никоҳланишига туртки бўлмоқда.

Дарвоқе, ажралиш фонида болалар масаласи ҳар доим мунозарали кечади. Уларнинг ажримдан сўнг ота-онадан фақат бири билан яшаши, унгача кечган жараёнда олинган жараҳатлар, психологик муаммоларга панжа ортидан қараб бўлмайди.

— Ажримдан кейин боланинг ота-онани бири билан яшаши унда бир қатор ички психологик зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин. Бола, бир томондан, ўзи билан яшамётган отаси ёки онасини соғиниб, айбдорлик, ташлаб кетилганлик ҳиссини бошдан кечиради. Иккинчи томондан, у билан бирга яшайган ота ёхуд онага нисбатан садоқат билди-

риб, ўз туйғуларини яширишга мажбур бўлади. Бу ҳолат болада ички қарама-қаршилик, эмоционал босим ва ишончсизлик муаммоларини шакллантириши мумкин. Айниқса, ота-оналар болани ўз низолазига аралаштирса. Шу билан бирга, фақат фарзандлар сабабли жисмоний ёки руҳий азобларга чидаб, никоҳни сақлаб қолиш ҳам ҳар доим ҳам ўзини оқламайди. Доимий низо, зўравонлик, камситиш ёки эмоционал соевқлик мавжуд бўлган оила муҳити бола учун соғлом тарбия манбаи бўла олмайди. Аксинча, болалар бундай муҳитда стресс, қўрқув ва нотўғри муносабат моделларини ўрганиб улғайиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қаралганда, агар никоҳда зўравонлик, доимий психологик босим, ўзаро ҳўрмат ва ҳавфсизликнинг йўқолиши кузатилса, никоҳни сақлаб қолишдан кўра ажрим энг тўғри қарор бўлиши мумкин. Чунки соғлом ажрим, яъни, ўзаро ҳўрмат сақлаган ҳолда ажралиш, бола ва катталарнинг руҳий саломатлиги учун доимий зарарли муносабатга нисбатан камроқ салбий оқибатларга олиб келади, — дея танганинг ҳар икки томонига қарашини тавсия этди психолог Индира Раҳимова. — Яна бир жиҳат: жамият босими ажрим қарорини қабул қилишга кучли таъсир кўрсатади. Анъанавий қарашлар, атрофдагиларнинг фикри, "оила сақланиши шарт" деган ижтимоий стереотиплар инсонда айбдорлик, уят ва қўрқув ҳиссини кучайтиради. Натижада шахс ўзининг руҳий ҳолати ва эҳтиёжларини иккинчи ўринга қўйиб, узоқ вақт давомида қонқитилмайдиган ёки зарарли муносабатларда қолиб кетиши мумкин. Мен психолог сифатида жамият ажримга нисбатан айбаш ёки тамғалаш позициясидан эмас, балки тушуниш ва қўллаб-қувватлаш нуқтаи назарини ёндалиши керак, деб ҳисоблайман. Шу билан бирга, ажримни тарғиб қилиш эмас, балки соғлом оилавий муносабатларни қўллаб-қувватлаш, психологик саводхонлигини ошириш ва мутахассисларга мурожаат қилиш самарали натижа беради.

Тафаккур

Эй Булбул!

Тонг юлдузи билан кел, куйлар куйла.

Қаерда яширин бир гўзаллик сақлаган бўлса, уни дарҳол уйғот.

Муҳаббатга ошно бўлмаганга, ишқни тушунмаганга у мустасно овозингни асло эшиттира кўрма.

Ўша чала, ўша хом туйғусизлар махшаргача ухлаб ётаверсинлар.

Жалолиддин РУМИЙ